

## Риёзус солиҳийн (болалар учун) / Риёзус солиҳийн (болалар учун) / 89-ҳадис

89 - وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَنْ صَامَ رَمَضَانَ إِيمَانًا وَاحْتِسَابًا، غُفِرَ لَهُ مَا تَقَدَّمَ مِنْ ذَنْبِهِ». مُتَّقِّعٌ عَلَيْهِ.

Абу Хурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

“Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «**Ким Рамазонда унинг фарзлигига ишониб, савоб умидида рўза тутса, уни аввалги гуноҳи кечирилади**», дедилар”.

Муттафақун алайҳ.

Шарҳ: Агар Ислом уммати Рамазон ойидаги хайрли нарсаларни билганида эди, йилнинг ҳаммасида рўзадор бўлишга ҳаракат қиласи эди. Бу ойда рўза, Қуръон, ибодат, инфоқ-садақа, дуо-зикрлар, қариндошларга силаи раҳм каби амалларга машғул бўлинади. Ким рўза ойидаги рўзанинг фарзлигига ишонган ҳолда тутса, Аллоҳ рўзадорларга ваъда қилган савобдан умидвор бўлса, Аллоҳ гуноҳларини мағфират этиш ва ёмонликларини ўчириш билан мукофотлайди.

### Ҳадисдан ўргангандаримиз

1. Мусулмон кишига Рамазон рўзасининг тутишнинг аҳамияти улканлиги.
2. Рўзадаги ният -даражалар юксалишининг омилидир.
3. Мусулмон киши рўза тутади, чунки у урф-одат эмас, балки, улуғ ибодатdir..
4. Рамазон рўзаси мўминнинг гуноҳларини мағфират бўлишига олиб келади.

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)



